



ТАСДИКЛАЙМАН

Чортоқ туман тиббиёт бирлашмаси

бошлиғи Қ.Махмудов

"24" октябрь 2022 йил

**ЧОРТОҚ ТУМАН ТУМАН ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИГА ҚАРАшли
МАРКАЗИЙ ШИФОХОНА ХУДУДИГА УЧ ДОНА ЗАМОНАВИЙ ХОЖАТХОНА ҚУРИШ
ИШЛАРИ ЛОЙИХА СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ УЧУН**

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

1. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
2. Техник қисим
3. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: чортоқ туман туман тиббиёт бирлашмасига қарашли марказий шифохона худудига уч дона замонавий хожатхона қуриш ишларига лойиха ҳужжатларини тайёрлаш.

1.2. Танлов юқори қиймати 39 600 000 (ўттиз тўққиз миллион олти юз минг) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмида илова қилинган. Ушбу танлов якунлари бўйича голиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларини бажариш муддати: Голиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуксон далолатномасига асосан белгиланган график бўйича.

1.5. Ишлар бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Чортоқ туман халқ таълими бўлими (бундан кейин “Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Чортоқ шаҳар Зафар-Диёр МФЙ Ибн-Сино кўчаси 5-уй

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов Чортоқ туман халқ таълими бўлими “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танлов мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча Юридик мақомга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиш учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар қўйилади: танлов предмети ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларининг мавжудлиги;

- объект мураккаблик даражасига қараб, “лицензия” ва “гувоҳнома”

- 684 – Қонун 13-моддасига риоя этилиши шарт

- Моддий-техник базаси ҳамда ташкилотнинг орҗетехник рўйхати усқуналари
- Бахтсиз ходисалар бўлган вазиятларда ишчи ходимларнинг хаёт сугирталанганлиги
- Техника хафсизлиги қоидаларига риоя қилиш талаблари ҳамда йўриқномалари
- Ишчи ходимларнинг диплом нусхалари, меҳнат дафтарчалари ёки mehnat.uz сайти орқали рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги хужжат
- Бажарилган ишларга бериладиган кафолат муддати
- Шу соҳада олдин қилинган ишлар бўйича буюртмачилар берган тавсифномалари

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар) ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензияга эга бўлган талабгорга рўхсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рўхсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажралиши, кўшилиши), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. Танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифлар яхлит холда тикилган, номерланган ваколатли шахс имзоси ва мухри билан тасдиқланган холда ёки хар бир вароғини мухирлаб тасдиқланган холда тақдим этишлари лозим.

4.3. Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);

Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тўлдириши ва илова қилиниши лозим.

4.4. Танлов иштирокчилари:

- Фақат битта таклиф бериш мумкин;

Чортоқ туман тиббиёт
бирлашмаси қурилиш муҳандиси:



А.Қорабоев